



СССР ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 13 (20.880) 1991 йил 18 январь, жума

Рўзнома йилига 256 марта чиқади.

Баҳоси 8 тийин.

РЎЗНОМА САҲИФАЛАРИДА:

1- ва 3-БЕТ:
 ● Узаро фойдали ҳамкорлик.
 ● Умумбашарий, умуминсоний қонун битта: Уммишга тош отмайдилар! Марҳумлар сўроқ қилинмайди. Тарих урганлади, марҳумлар эъзозланади, улар ҳаётдан сабоқ чиқарилади...

● Нон — дастурхон кўрки.
 4-БЕТ:
 ● Адабиёт, адабий алоқалар эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилаверсин!
 ● Меъморий обидаларни таъмирлашга эътиборни кучайтирайлик.

Республикамизда

ОМБОР ТЎЛА ДОН

Шу кунларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари аҳолисини дон ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш бир маромда боришти, дейиш мумкин. Бу катта ва машаққатли ишда қардош Қозоғистоннинг бепеён донларида еттиштирилган мўл бугдой ҳосили кўл келяпти. Иккала жумхурият раҳбарлигининг учрашувда тузилган шартномаларга буюн Қозоғистон раҳбарлари Ўзбекистонга икки миллион тонна бугдой етказиб бериши лозим. Хайрли иш қандай амалга оширилади? Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазир Абдулқошим Муталов шундай деди:

— Вазирликнинг барча омборлари ва корхоналари ҳозирча 1,5 миллион тонна донни қабул қилиб олдилар. Қозоғистоннинг Қўкчатов ва Целиноград вилоятларида еттиштирилган бугдойлар республикамизнинг Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро каби вилоятларига келтирилган. Қолган ярим миллион тонна бугдой эса 1991 йилнинг дастлабки ойларида олиб келинади. Шунинг таъкидлаш кераки, вазирлик ўтган йили бугдой ўрни мий пайтида қозоқ қардошларимизга ёрдам бериш мақсадида корхоналаримиздан 100 дан ортиқ тажрибали

мухтаassisни сафарбар қилган эди. Вакилларимиз ҳозир ўрм-йиғимида фаол қатнашдилар.

Бундан ташқари қардошларимиз Ўзбек биродарларига яна бир хизмат кўрсатишган. Улар юз миң тонна шоти етказиб бериш мажбуриятини ҳам олашган эди. Бугунгача 70 миң тоннаси Ўзбекистонга ташиб келтирилди. Қолган 30 миң тонна яна январь ва февраль ойларида олинди. Қардош Қозоғистон жумхурияти билан рағдал ва шоти олиш борасидаги иқтисодий алоқаларимиз мезон 1989 ва 1990 йиллар даражасидадир.

Бўрсилдоқ нонлар

НУКУС (телефон орқали). Қорақалпоғистон пойтахтидаги Деҳқон бозорида кичик ноивойхона ишга туширилди. Дастлабки маҳсулотлар кўччиликка манзур бўлган. Бозордаги ноивойлар эса асосатда қолди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон АССР Дон маҳсулотлари бошқармасининг бошлиғи Зинед Ийналадинов мухбиримизга қуйидагиларни билдирди.

— Нукуснинг Деҳқон бозоридаги замонавий ноивойхона тиклаш учун 1 миллион сўм атрофида қуриш-монтаж ишлари бажарилди. Янги корхонага Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган замонавий нон ёпиш ускуналари ўрнатилди. Ускуна 260 миң сўмга сотиб олинган. Янги корхонада Рая Палимовна бошчилигидаги ноивойлар бригадаси ҳар кун 6—7 тонна атрофида 8 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ноивойларнинг Тошкентдаги ўқув комбинатига ташлиб олишган. Бу корхонада Хоразмча чуррак нонлари ёпиш ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари Нукус-

нинг Калинин кўчасида ҳам ана шундай ноивойхона ишга туширилди. Ҳозирги пайтда бошқарма Автоном жумхурият аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўқ қондириш мақсадида «Нукус» совхозига ҳар кун бир тонна нон ёпаётган цехни ҳам ишга туширди. Янги орада Хўжайли, Ленинобод ноивойларида, Тахтасошда ҳам ана шундай ноивойхоналар фойдаланишга топширилди. Биз шу ойдаги ўзидан барча корхоналаримиз бўйича 1 миң 100 тонна нон маҳсулотларини тайёрлаб, аҳоли дастурхонига етказиб беришимиз лозим.

А. ПУЛАТОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

16 январь кунини Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида республика савдо-саноат доиралари вакилларининг Жанубий Кореядаги энг катта савдо фирмаларининг раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов олиб борди. Сўхбат чоғида ўзаро фойдали ҳамкорлик масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Булажак икки томонли шартноманинг иқтисодий жиҳатлари; қўшма корхоналар барпо этиш, экспорт молларига ва ички бозорда сотиладиган маҳсулотга

нарс белгилаш муаммолари, бошқа масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти Кенгашининг аъзолари: Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Қамидов, республика ташқи ишлар вазир С. О. Азимов иштирок этдилар. Учрашувда, шунингдек, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамятилари иттифоқи Оснэ—Тинч океани минтақаси шўбасининг мудир И. В. Семинихин қатнашди.

(ЎЗАТАГ).

МАДАНИЙ СОҲАГА БЕШ МИҢГ СЎМ

Республикамизда маданият соҳасини қўллаб-қувватловчи, унга савоатпашалик қилмаган қалби дарё ишлар ҳамон топилади. Маданият соҳасига ёрдам беришга аҳд қилганлар орасида «Андижоноблагропромстройга» қарши 2-бирлаш ет-маннинг жамоаси ҳам бор. Бирлашма Андижондаги «Ёшлик» театр-студиясининг ҳисоб-дефтарчасига беш миңг сўм

пул ўтказди. Қишлоқ бинкорлари ижодий жамоа билан қармоқлик тўғрисида шартнома тузилди. Унда, жумладан, бирлашманинг 300 ўринли маж-лислар залини ижарага бериш айтилган. Ҳозир эл таъмир-ланмоқда. Биринчи ярим йил-ликда бу ишлар ниҳоятга ет-казилди. Театрнинг ижодий ва техниквий ходимлари учун қўшимча хоналар ажратилмоқ-да.

(ЎЗАТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ БУЗИЛМАСИН

«Миконд» заводининг энг катта цехларидан бири ишчилари қисқа муддатли митингга тулландилар. Митинг туш-лик танаффус пайтида 7-сон-ли цех бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан СССР Иттифоқини муста-тахкамлашни қўллаб-қувват-лаш юзасидан ўтказилди.

Мамлакатдаги сўнгги во-қеалар, хусусан Болтиқбу-йидаги воқеалар ҳеч қимни қолдирмайди. РСФСР Олий Кенгаши Раиси Б. Н. Ельциннинг айрим гапларига ишчилар кескин салбий му-носабат билдирдилар. Хусусан, Россияга йиға учун ўз армиясини зарурлиги уларга мутлақо тушунарли эмас. Но-тиқларнинг фикрича, бу СССР Конституциясини бу-зишдир.

Митинг қатнашчилари ян-ги шартонда Иттифоқимизни мустаҳкамлашни, демократ-ия ва социализм учун ку-рашда барча соғлом кўчлар-ни жипслаштиришни ёқлаб гапирдилар.

(ЎЗАТАГ мухбири).

Иттифоқимизда

Ижтимоий тараққиётни янги ҳис этайлик

16 январь кунини КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев раислигида партиянинг янги дастурини тайёрловчи комиссиянинг мажлиси бў-либ ўтди.

М. С. Горбачев кириш нутқида бу ишнинг ҳаётий аҳамиятини таъкидлади. Сийёсий мақсадлар савдо-саноат олинимас, назария-нинг энг муҳим масалаларида равшанлик бўлмаса, стра-тегида оғишлар, қолверса, тактикада жиддий янги-лишлар мударрлар.

Бизнинг олдимизда чуқур мазмуни ва жозибадор шаклдаги ҳужжатни ишлаб чиқиш вазифаси турибди, бу ҳужжат партияни янги-лаш ва совет жамятининг ҳаққини асосида қайта-қуришда партиянинг пешқадамлик сўҳасида бундан буён қил-наётган ҳамма ишлар учун ишончли йўл-йўриқ бўлиб қолсин лозим.

Янги дастурда аввало пар-тия фаолиятининг узоқ му-датли асосий вазифалари, бу вазифаларни ҳал этиш-нинг йўллари ва воситалари таърифлаб берилсин лозим. Мамлакат ўз тараққиётининг ўткир, таҳликали дларини бошидан кечирётган бир пай-тда сийёсий стратегия масалалари билан шуғулла-ниш ўринлими? Назарий из-лашларни эртага қолди-

риб, бутун диққат-эътиборни долларб ишларга қаратиш фойдалироқ бўлмайми? Ҳа, партия қийин дларини бошидан кечирмоқда, қайта қуриш, демократиялаш, ош-коралик, сийёсий фикрлар хилма-хиллигини вужудга келтириш жараёнлари нати-жасида рўй берган янги во-қеликни ўзлаштириш осон бўлмайпти. Бироқ ҳозирги муаммолар нақадар ўткир бўлматини, бу нарсга узоқ муддатли йўл-йўриқларни белгилаб олиш заруратини бекор қилмайди. Коммунист-лар ва КПССнинг барча та-рафдорлари: қайта қуриш сийёсати натижасида мамла-катимизнинг аҳволи қандай бўлади, биз қандай жамятга борамиз, деган асосий са-воалларга илғий асосланган жавобларни кутмоқдалар.

Кундалик сийёсат масала-ларини ҳам асло эътиборсиз қолдириб бўлмайди, албатта. Дастурий ҳужжат ҳаётга, ижтимоий воқеалар ва ҳо-лисаларнинг мураккаб, ан-длий тўқмасига асослан-синиш; келажакда амалга ошириш мумкин бўлган тах-миний муҳожаазаларни ҳам, ҳозирги пайтнинг таъриф-ни ҳам ўз ичига олиш ке-рак. Шу билан бирга ҳозир-ги вақтда КПСС XXVIII съездининг Марказий Ко-митетининг 1990 йил октябр-Пленумининг қарорлари аниқ ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилаётганини ҳисоб-

га олиш зарур. Бу ҳужжат-ларда мамлакатда вужудга келган вазият эътиборга оли-ниб, энг муҳим соҳалардаги вазифалар: бозор муносабат-ларига ўтиш, демократияни чуқурлаштириш, партия-нинг ўзини янгилаш вазифа-лари белгилаб берилган. Бу-ни, аслида, КПССнинг ҳо-зирги кундаги минимум да-стурини деса бўлади.

Биз қайта қуришни янги иқтилоб тарзида бошладик, бу иқтилоб инсонга эрк бе-риш, унинг муқддан, ҳоқи-қиятдан, маданиятдан бего-налашувини бартараф этиш, шахсининг қадр-қимматини қарор топтириш мақсадини кўзлабди, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети-нинг Бош котиби. Назарий жиҳатдан олганда, бу нарсга мазкур дастурнинг икки ва калқаро турмушдаги ян-ги воқеликларга мос кел-майди, партия ва жамят ривожининг эътиборларини акс эттирмайдиган кўнгли-қондилари бартараф этила бошлаганини билдирди. Шундай қилиб, КПССнинг мутлақо янги дастурини яратиш лозимлигини равшан аниқламоқ керак.

Лаб чиқиш ҳақида бормоқ-да. Аммо бу гап Октябрдан кейинги бутун тажрибадан воз кечишни асло билди-рмайди.

Дастурни тайёрлаш пай-тида кўпдан-кўп жуда му-раккаб назарий масалалар-ни ҳал этиш, XX аср охири-даги воқеликларни эътибор-га олиб, Маркс, Энгельс, Ленин гоғларини ижодий қайта идрон этиб чиқиш ло-зим, Чамаси, Батаннингдан ва дунёдаги замонавий ил-мий билимларнинг жаҳми-имкониятларини жалб қилиш асосатини муваффақиятга эриштиш мумкин. Бизнинг янги негизимиз — КПСС XXVIII съездининг «Инсо-парвар, халқчил социализм сари» деган дастурий баёно-ти бор.

Менинг назаримда, би-ринчи гада эътибор бе-риш лозим бўлган муаммо-ларни ёки уларнинг ман-муаларини айтиб ўтман, деди сўнгра М. С. Горбачев. Ҳар қандай жиддий сийёсий ҳужжатнинг ҳамма бўли-мидаги сингдирилган энг муҳим гоғси бўлиши керак. Менинг назаримда жаҳон ҳамжамятини тараққиёт-нинг таърибасини, башарий тафаккури барча ютуқлари-ни эътиборга олиб, ижти-моий тараққиётни, унинг ме-зонларини янги ҳис этайиш мана шундай гоғ бўлиб қо-

(Давоми унчи бетида).

Форс кўрфазидаги воқеалар жаҳон диққат-эътиборида

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

СССР Президенти М. С. Горбачев 17 январь кунини Марказий телевидение ор-қали баёнот берди:

Урғочлар! Бугун кечаси Форс кўр-фазини муҳокамасида уруш бошлади. Америка қуроли қу-члари Буюк Британия, Саудия Арабистонига ва бош-қа давлатлар кўшнларининг қисмлари билан биргаликда Ироқнинг ҳарбий ва баъзи савоат ишқошларига, Ироқ қуроли қурашларининг истеҳ-камларига зарбалар урди.

Ироқ раҳбарияти жаҳон ҳамжамятининг талаблар-ини бажарилгани ва ўз қў-шнларини Қувайдан олиб чи-қиб кетишдан беш тортган-лиги оқибатда воқеа мана шундай фожиали тус олди.

Айни вақтда мен Бағдод-дан эълимизга Ироқ пре-зиденти билан алоқа боғлаб, менинг Жорж Бушга қил-ган мурожаатимни хабар қилиш ҳақида кўрсатма бер-дим. Ироқ халқининг ўз манфаатлари, минтақадagi тинч-лик манфаатлари йўли-

да Қувайдан кетишни ай-тиши зарурлигини таъкид-ладим. Шундай қилиш урушнинг тўхташига ва Ироқ-нинг оғир талафотлар ва вай-ронгарчиликлардан сақлаб қолишига имкон берган бўлур эди. Садам Ҳусайн ўз хал-қининг ва жаҳон ҳамжамя-тининг олий манфаатларига амал қилиб, ана шу бирдан-бир нажотбахш қадамни қўйди, деган умидни бил-дирдим.

Шу туннинг ўзида биз бир-қанча нуфузли мамла-катларнинг, шу жумладан Франция, Гитой, Буюк Британия, Германия, Ита-лия, Хиндистоннинг раҳ-барлари, кўпчилик араб давлатларининг бошқилар-ига мурожаат этиб, можа-ронинг хатарли равишда кучайиб кетишига йўл қўй-маслини учун тўхташиш мақсадида биргаликда ва баб-баравар чора-тадбирлар кўришга чакирдик.

Кўп сонли қўшнлар ва

замонавий ҳарбий техника ишғироқидagi уруш араб халқлари учун, Америка халқи учун, бутун халқро-вазият учун нақадар оғир оқибатларга олиб боришни аниқлаб, биз ҳарбий тўқна-шувга йўл қўймайликка му-ваффақ бўлишгагина хусу-сида чуқур тавассуф билди-рамаиз. Аммо тақдор айта-манки, биз можарони ноҳар-бий воситалар билан бар-тараф этиш учун ақл бовар қилган ҳамма чораларини кўрдик.

Шуни маълум қилмоқчи-ман: ҳозир Ироқда турган совет кишиларидан ҳеч ким жаборданмаган.

Мамлакат раҳбарияти бошқа мамлакатлар билан, Бирлашган Миллатлар Таш-килоти билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, урушнинг те-роқ тўхташи ва тинчлигини тиклаш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришга со-вет халқининг ишончи қомил бўлаверсин.

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ «Совет Ўзбекистонига»

60-йилларда ишга келган, Кейинчалик партия ишга ўт-ди. «Тошкент оқшони» — «Вечерний Ташкент» рўзнома-лари муҳаррири, «Меҳнат» наприётининг бош муҳарри-ри бўлди. «Сен муҳаббат ёшдасан», «Ҳар кимнинг ўз бахти бор», «Яшасин, муҳаббат», «Салом, Ойқиз» ва бош-қа бир қатор китоблар муаллифи. Журналист адолатсиз-лигини ва ниҳоят, адолат тантанасини ҳам ўз бошида си-наб кўрди... Рўзноманинг «Қайта қуриш ва ижтимоий қи-ло-лат» бўлими мудир ва таҳрир ҳайъатининг аъзоси қи-либ тасдиқланди. Унинг янги вазифадagi илқ мақоласи —

Сизнинг ҳукминизга ҳавола.



ўпирилиш сарҳадларини етарли ҳис қила ола-майми? Муаммолар уммон қирғоқдан ошган пайт-да бизнинг марказий рўзномалар нималар ҳа-қида ёзишмоқда? Уларнинг ўзи нималарни қўсаб қолдиши? Янги ўтмишда жумхурият-лар устидан ўрнатиб келинган кечис салтанат қилмаётми? «Қўсмаш» — давосиз дард, у вақт чархпалагини орта қайтарини истайдим. Майли, ҳаёлан қайтайлик: жумхуриятга «қай-та қуриш» ниҳойда ёпирилган Е. К. Литчаев лашкарлари, Гдлан ва Иванов аскарларининг олдига тушиб, «Ўғрини ушла!» деб оламга жар солган — марказий матбуотдан қўсма-ларимиз эмасмики? «Ўз уйда ўзи ўри бўла-ми? Пензадан ёки Тумендан келиб ўзбек дехқонига пахта экинни ўргатиш нисофдан-

Нўқтаи назар

МАРҲУМЛАР СЎРОҚ ҚИЛИНМАЙДИ...

«Хўжайин»ни қўмсаш, Рашидовни оқлаш кимга керак?» («Известия», 1991 йил 7 январь) мақоласини ўқиб...

тидини тийиш учунми? Шуми қайта қуриш? «Марказ»нинг ўзи қайта қуришга нималар берди? Нималар яқсон бўлди? Моддий ҳаёт-даги ўпирилиш — бўм-бўш пештахталар, тиз-гинини йўқотган шаҳарлар, муруват тилаб жаҳонга қўнган йўллар... Бироқ маънавий

ми? — деб отилиб чиққан эди Расул Ғамза-тов. Чингиз Айтматов ёса, ўзбекча отилган маломат ўқи тўғридан арслондек ўқиб, наъра тоғтанди: «...Ўзбек меҳнатқилларининг мам-лакат учун қилган ишларини бирма-бир айта-версак, булар бари бошимизни эгиб, таъзим

Едимда, шундай «амри воқиб»лик билан 1985 йил 18 сентябрь кунини В. Ф. Сатин Ўзе-бекистон партия ташкилотининг юз миң киши-лик армиясига еткази бўлди. У мухтаassisли-ги бўйича асфальт-бетон машиналари механик-инженери, бир муддат Челябинск шаҳар Со-вет райкомининг котиби бўлиб ишлаган, КПСС Марказий Комитети Партиявий-таш-килий ишлар бўлими инструктори бўлган. Егор Кузьмин Литчаев шу бўлимининг секретари му-дир эди. Сатин салтанати қандай вужудга

(Давоми унчи бетида).

Хорижда

ФОРС КЎРФАЗИДАГИ ВО-ҚЕАЛАР ҲАҚИДАГИ ХА-БАРЛАРНИ УНЧИ БЕТ-ДА УҚИНСИЗ.

САМАНГОН ВИЛОЯТИГА ЁРДАМ ҚЎЛНИ ЧЎЗМОҚДА

● ҚОБУЛ. Бир неча кунлар муқаддам Афго-нистон вилоятидаги Са-мангон вилояти жамо-ат соғлигини сақлаш бо-шқармасига бегараз туҳфа си-фатида жами олти миллион афғон тўрадин дорн-дар-монлар, тиббиёт ускуналари ва насалхона қроватлари бе-рилди.

И. ШИШКОВ, ТАСС мухбири.

Нуктаи назар

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Келганди? Олдинга атрофда сатинчилар пайдо бўлиши ва «даҳо»ни кураш олишти. Сатиннинг ҳар бир сўзида улар асфальт-бетон машиналари инженерининг фикрини эмас, осмондан тушган «валди»нинг наратини ясашди. Буларни аслашдан мақсад нима? Икки миллионлик аҳолининг тадбирини туташ пойтахтда қайта қуришни жар ёқиса келтириб қўйган Сатин ва сатинчилар учун «марказ» ва марказий матбуот озмунча хизмат қилди-ми?

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини Қоном Саидмухамедович Тулаганов киндик қони туқилган шаҳарга астойдил қайтишни учун шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтган, ўзини аямай ишлаётган эди. Медицина фанлари доктори, жумхуриятда хизмат қўраётган шифоқор К. С. Тулаганов Тошкент шаҳар партия қўмуқасининг навбатчи бюро мажлисидан юз минг тангаласида чиқиб, армонли кўз юзди. Унинг амалий медицинада узоқ бўлган Владимир Павлович Русин олиб келинди. Шаҳар прокурори Фахриддин Қобуловчи Фозиллов ўзини Кудибиев шахридан ташриф буюрган Геннадий Прокофьевич Филиппенков эгаллаб улгурмай хашаги очилиб қолди ва... республика прокуратурасига ўтказиб қўйилди. Курси совмасданок Томскдан Владимир Ефимович Теркин етиб келди. «Хўқўқ посбони» шаҳардаги энг баланд меҳмонхонанинг 18-қаватида машини бузуқлик чоғида ўз хотини томонидан «қўлга олиниб», шаҳарни тарк этди, бироқ овоза қилинмади. Ҳар ҳолда прокуратура, ошкораликка ҳам чап бериб кетди. Лекин, у кўп ҳалол одамларнинг бошига етди. Янги «таъна» прокурор Валерий Никифорович Желтков ҳам ишлади-ю, қонун ва қайта қуришни булғашади. «Қама-қам» да ҳаммадан ошиб тушди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиги Эркин Абдуллаев ўзини калондимоглик билан ном чиқарган Владимир Павлович Клапушевский эгаллади. Шаҳарда уюшган жиноятчилик уч баравар ошган кезде «хўқўқ посбони»нинг елкасидан юлдузлар ҳам ошарди, кечаги майор... полковник бўлди!

«Ўзбек мафияси» бўйича тез орада катта «мутахассис»га айланган А. С. Овсенюк шаҳар суди раисининг биринчи муовинлиги курсига қўйилди ва аслида, раисга берилмаган ҳўқўқларга эга бўлди. Қисса даврда шаҳар доирасида бағиртоғлиги билан ном чиқарган Штвов, Шабаликин, Абдиев, Торопов, Савиновский, Артомонов, Попова каби ўнлаб «хўқўқ посбон»лари «Ўзбек мафияси»нинг фози эътиҳа энг шимариб киришиб кетдилар. «Уюшган ҳўқўқбузарлар» тўдасини жумхурият миқёсида Бутурлин, Гайданов, Дидоренко, Теплов, Лаптев, Рукни каби генераллар гуруҳи бошқариб туришарди. «Назо ва жиноят» чархпалаги улар истаган тарафга айланди: ўзлари партия сафидан чиқаришар, ўзлари қамқоқоналарда биланларини қилишар, ўзлари терговчи, ўзлари суд эдилар. Худди шу даврда Хожикабар Расулов, Бахтиёр Маннонов, Убайдулла Тожиқонов, опа-ука Аҳмедовлар, майор Хайдаров каби беғуноқ кишилар «жазоо машинаси»нинг ноҳақ зарбига дуч келдилар, иллаб қамқоққа ташландилар, СССР халқ архитектори, СССР Давлат мукофотининг лауреати Собир Одилов, министр ўринбосари Муртазо Султонов, райком котиби Толоб Содиқов, райкорқўм раиси Ғулмомазир Абдураулов ва бошқа ўнлаб ҳалол коммунистлар биринчи зарбани ўзларига олдилар ва курашдилар.

Сатиннинг ўзбек олимлари билан муносабати оғир кечди, улар билан оддий суҳбатда ҳам тиш ғижирлатиб турар ва бунда унга ҳўқўқдан «иҳом» бериб турмувчилар ҳам талайгина эди. Лекин мукофоти лауреати Иброҳим Ҳамробоев директор бўлган геология ва геофизика илмий-тадқиқот институтининг «комплекс ҳисоботи» эътиҳаётдан бюро мажлисида Сатин ҳўқўқор олимнинг тепасида «олим эмиш, нимас олим буларнинг?» деб ғижинганга ётди. Бюро аъзоларидан бири қўлогича қизариб, «у катта олим, Борис Федорович» деганида, «асфальтчи» инженер ўзини босолмас, жаҳл отидан тушшини истамасди. Худди шундай қисмат академик Саъди Ҳасанович Сирокидиннинг бошига ҳам тушди. Қанчадан-қанча жаҳоний жумбоқларнинг ечимини тоған буюк математик ноҳақ зуғумлардан чиқиб кетиш йўлини билмайдми, елкасида «хайфсан» ёрлиги билан дунёдан кўз юзди... Аллома олимларимиздан бири Обид Содиқович Содиқов Жаҳон химиклар жамаиатининг Катта олтин медалига сазовор бўлган йилда хуружга дуч келди ва сатинчилар қўлга тушди, СССР Фанлар академиясининг Шарқдаги ёлғиз ҳақиқий аъзоси саналган аллома ёши етмишдан ошган бир пайта тухмат балосига учради ва бош рўзномаларимизда бадном қилинди. Буюк олимни бой бердик, асфальт машиналари бешафат бостириб кетди! Эвоҳ, бу буюк сиймолар қайта қуриш йўллари кўмилдилар... Бу йўллар — армонли йўллар бўлиб қолди! Айтишларича, Обид Содиқов энг сўнги нафасда бошида турган шогирдлари ва фарзандлари қўзига термулиб, жон оғушида илғи қилидилар: «Адоллат бўлинг, фарзандларим, адолат учун курашинг, азизларим! Адолат — бебаҳо давлат!»... Бу алломанинг энг ўнги нафаси, адолатсизликдан зор қиқашган олимнинг оғури зори эди. Унинг ўлмас руҳи яна қачан вақт «Адолат! Адолат, бормисан, адолат?» деб қирқиб турди экан?

МАРҲУМ алломаларимиз руҳи бизни кечирсин, уларни муносиб қўнда, муносиб тарзда эслай олмадик. Бу кун жумхуриятимиз раҳбарияти дадил, ҳолис турму, уларнинг руҳини адолат мезонига қўётган бир пайтада «Марказ»дан учиб келган тухмат тоши уларнинг ҳўрғин ва эзилган сиймосини яна ёдга солди. Ҳўш, алломаларимиз қадди букилган, адолат қирқирган қунарларда бутун ўзларини «адолатпарвар» қилиб қўраётган кимсалар қаерда эди? «Наврўзимиз» ёнган, қадриятларимиз топталган чоғда улар қайси навақда эдилар? Бу кунги «қаҳрамонлар»нинг кўплари ўшанда нари бора марсия қўйишларини кирғоғи қилиб туришган, бот-бот қарсақ чанги ҳам қўйишган! Лекин ушбу оғир кунларда ҳам ҳалол қиёфасини сақлаб қолган чин инсонлар, рўзномалар бор эди. Афсуски, бун-

дай мард кишиларни, нашрларни ҳаминша ҳам биллишаремайди, улар кўкракка уришни одат қилишмаган...

Мен ўша вақтда «Тошкент оқшоми»да ишлар эдим. Рўзнома саҳифасида ўша йилларда «босилмаган феълетонлар» тарихини ёзишни кўнглига туюб қўйдим. Токи бу сатинчилар атрофидаги «еллинг»ларга отилганидан ташна тошин эмас, балки 80-йиллар қатағонларида қўқисни тутиб, қайта қуришни ҳимола қилиб қолган марҳумлар ва тириклар ҳақидаги ҳақиқат бўлсин!

Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Р. Н. Нишоннинг эътирофини эслаш кифофи: «КПСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали кадрларни юборди... Аввало республикага шундай кўлам-ли ёрдам кейинги 30 йил мобайнида биринчи марта амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Янги ҳодимларнинг келиши — бизнинг чинакам бахтимиз бўлди... Республикада сўнги тўрт йил ичида 58 миң масъул ҳодим вазирадандан олиб ташланди. ...Мен ўзим шахсан Тельман Хоренович Гдиян гурусининг ишини юзтада иккинчи баҳолайман. Биз СССР Прокуратураси ҳодимлари билан қўн-қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада адолат ўратиб, Рашидов атрофидаги яқин одамларни жавобарликка тортишда жон қўйиб ишламоқдалар. Нескин кураш кетмоқ-

тидан олти йил ўтиб кун тартибга қўйилган давлат тили масаласи қанча зарбаларга дучор бўлмади! Рус тили қошида ўзбек тилининг истиқболи йўқлигини, Навоий тилининг «қашқўқ»лигини исботловчилар нималарни қўзлашган эди? Улар орасида олимлар, вазирлар, ҳатто миллатга оталиқни даъво қилиб турган ветеранларимиз роз туришган эди-ку! Бу пайтда Рашидовнинг «руслаштириш»га даъват қилувчи бршоралари ҳам чиқмаётган, «гипноз» қудрати ҳам аллақачон сўнган эди! ...Аламзадаларнинг марҳум билан «ҳисоб-китоб» қилиш нияти сўмасди, холос...

Шароф Рашидов — мураккаб тарихий шаронгда яшаган ва табиийки, мураккаб шахс. У кимнингдир чапласи билан эмас, ўз бўғри билан тарихда қолади. Деҳқон фарзанди, оддий муаллимликдан Ўзбекистон жумхуриятининг раҳбаригача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Фронгда жангчи бўлди, қобилиятга яраша ижод қилди, ҳаётда курашди! Лекин, ўзи каби, ўз халқига ҳам бахт улашолмади. Ўзи яратишда бош-қош бўлган ҳадис-ҳудудсиз пахта даласида «пахта» деб жон берди. Бу оғир ва даҳшатли қисмат-ку! Бу қисматнинг рўй-рост, ҳақиқий, ҳаётдаги бор тасвирининг ўзи ҳам етарли-ку! Рашидов ҳам биринчи навбатда ўзи умр бўйи ситиниб келган

пайнда бўлиши. «Виллоятлараро вулкон» етилиб келарди... Иқтисодий зарар миллиард сўмга етган бўлса, маънавий ўпирилишнинг ўзига йўқ эди: юзлаб сирдарлик раҳбарлар Икки-ухта нақ «бутун бошли армия» — ёрдамчиси, котибаси, шифери ва ҳатто қоруволитига олиб ўтишганди. Бу борада «оқ пошпо»нинг ўзлари «намуна» эдилар-да! У кишим Ҳиззахни оилавий забот этишдан ташқари миллион шатинда турган шахсий итборқарини ҳам қўрииб олиб ўтгандилар! Бу кун Ҳиззах нега мафия ватани сифатида танланганини тушуна бўлади, юзлаб кадрларнинг тақдир тоғталиб, юз миң сўмлаб товон тўланаётганини ҳам ҳис қилиш мумкин. Лекин шунча уйдирмалар суратга олиниб, шунча қалтис тажрибалар ўтказилган «мафия маркази»да бирон кишининг чекмаси гурра бўлмагани жумбоқ эди!

Мақола муаллифларини ҳам ташумноқ келар, чуқки, қадрларни тоғташ биз учун янглик эмас. Қадрларни «қайта қуриш» бизда барвақт бошланганини рад этиб бўладими? Бу бобомиз Амир Темур тақдирини бўлган лоқайд муносабатимизда ҳам йиқил қўзга ташланади: Искандар Султонов — одил шох, Петр I — дошманан, Суворов — олийжаноб, Наполеон — қаҳрамон! Темур ва теурийлар — қонхўр, ёвуз, босқинчи! Темур бутун дунёда қавл тоғанида ҳам ўз ватанида қадрланмади, аксинча, этайлаб ерга уриб келинди. Қариниб олти асрлик қадр тоши очилганда ҳам «халқдан ижозат борми?» дейдиган виллоят тоғилмади! Буюк жаҳонирнинг сўнқлари қўлма-қўл юрди, икки йиллик саргардонликдан кейин жангу-жадал даврида ўз маконини қайтиб тоғланган чинимкан? Унинг руҳига бундан ортқи ҳўрматсизлик бўладими? Англияда кўп сериали «Буюк Теурийлар» фильми яратилганда, унинг ватанида битилган «Самарқанд осмонда юлдузлар» романида Теурий болаликдан қароқчи, ёшлтигда тоғуқ ўғирлагани учун қўқисни тоғонидан өғри уриб синдирилган муттаҳам қилиб тасвирланган. Қурдошимиз Сергей Бородин Москва князи Василийни «юзидан нур ёғилиб турган дошшман» рус маликиси Софьяни гўзалликда тағхо, рус саркардаларини жасурликда тенг йўқ қилиб тасвирлагани ҳолда, Теурийлар иштиқ билан қора бўёқ чаплайди, теурийлар — Шохруҳ, Мухаммад Султон, Искандар Мирзо ва Моароунахр саркардаларини телба, доғдир ва албатта ўта кетган жоқил қилиб талқин этади.

Аждодларимиз шаҳарасида ифтихорли ўрин тутган Абу Али ибн Сино руҳига қилинган ҳўнбат арунда жон ошиб тушади... ХI-асрдан буюн тилилардан-тиларга кўчиб, жаҳонни ҳайратга солиб келаятган «Тиб қонуллари» Ибн Сино Ватанида мукаммад чоп этилганда йўқ, қороз етишмайди, ўринга ёстиқдек «Денеморон»ни ўқиймиз... Буюк табиини «динсиз», «даҳрий» қилиб талқин қилишдан нарига ўтмаган «Даҳонинг ёшлиги» фильми ҳам алломани тақдирлашдан бошқа нарсас эмас. Ахир ибн Сино замонида ва ундан кейин ҳам ўз қадрини билган юртда «динсиз»лик динёнатсизлик каби оғир ҳақоратдир! Наҳотки, аждодларини бот-бот сўроққа тутиб, уларни тутуруксиз замоналарга бўйсундириш бизнинг оддий юмшимиз, одатдаги ҳол бўлиб қолган эди. Ал-Хоразми, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Улугбек, Заҳриддин Бобури каби жаҳон маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган улўр зотлар ҳам турли тарихий босқичда бизнинг маломатдан фориб бўлишмаган, Суфизода, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир... Кўз ёши тўқайлик десак қадрлари йўқ. Марҳумлар фожиясиде тирикларнинг қўли йўқ деб ким айта олади?

Ҳўш, биз билан виллоянганга саккиз йил бўлбаган марҳум Рашидов билан ҳамон «олиш-ўзимиз» олимлик шағига мос келадими? Наҳотки, шу йиллар давомида хатолар устига қўнган хатоларимиз йўқ? Наҳотки, бундай хатолар марказнинг ўзида йўқ бўлса?

КАЙТА қуриш тақдирини ўйлаб қоламан: охири баҳай бўлсин! ...1989 йилда жумхуриятга 430 та руҳ тоғуб келди. Бу 430 та портлаш хавфи бўлган ўқодир... Бу партия бош штабининг лоқайдлиги, ноинчл сийбатининг оғирбати эмасми? Наҳотки, ичкиилобозликка қарши кампания, «Агросаноат», «Давлат қабули», «Жадаллаштириш» каби кудули шорлар ва қўлгина хом-хатала «ташабуус»лар Москва учун сабоқ бўлмасе? Бош штабда бизни яна қандай «эксперимент» кутмоқда?... «Н. Ҳ. Ҳамидов, КПСС Марказий Қўмитасида сўзланган нутқдан, «Совет Ўзбекистони», 1990 йил 11 май).

Жумхурият манфаати, миллат тақдирини, халқ манфаати, жумхурият келажакни учун жанг кетяпти, Орқага чекинадиган йўл йўқ! Мустақил ва эркин жумхурият туғилмоқда! Кечагина давлат тили, эътиқод аркилиги асрий орузларимиз туюларди! Республика мустақиллиги ёлғиз тўғри йўлимиз бўлиб қолди. Биз шу йўлдан бормийми, Шундай масъулият диврда жумхуриятга тош отган жаҳоят олимларимиз кимнинг болтасини кўтариб чошпимонда? Ўйлаб қўринг, ўзингиз ўтирган даррахта болта урмаётирисми? Жумхурият бозор иқтисодиётига ўттиш муносабати билан минг бир муаммо қўндалан турган кезде, ҳамжихатли, ҳамфирқликка ҳар қачонгидан кўпроқ эҳтиёж туғилганда, наҳотки, ўтмишимизи кавлаштиришга шунчаллик сағий-ҳаракат бахш этсан? Наҳотки, халқ дастурхонини қуруқ гап ва таъналар билан тўлдириб бўлса? Жумхурият ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган шундай ҳолда ўтмиш ва келажак хатоларимизни ҳам марҳумлар елкасига ортин билан, наҳотки, мурода ета оламиз, деб ўйлайсиз? Тарихга тош отмайдалар, бу осмонга тупурган билан баробар!

Шоир Мирза Кенжабоев ёзганидек: Сўр қолмади, фош бўлди бари, Урф этмадиган таъна, миннатни. Тарихга тош отайдиган, кимки Улдирмоқчи бўлса миллатни!..

Умумийларий, умуминсоний қонун битта: марҳумлар сўроқ қилинмайди! Улар ҳаётдан сабоқ чиқарилади, холос...

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

МАРҲУМЛАР СЎРОҚ ҚИЛИНМАЙДИ...

да, Шунга рўй-рост айтишни керакки, Гдиян гурусини республика партия оғранлари тоғонидан қаттиқ қўллаб-қувватланмаганида, ва ҳар томонлама ёрдам қўрсатилмаганида эди, улар бу қадар самарали ишлаб олмасдилар, албатта...» («Аргументы и факты», 1988 йил, № 38).

«Ўзбеклар иш»да партия ҳодимлари Гдиян гурусини билан «қўн-қўлга бериб ишлаган» бўлсалар, «даҳрий олим»ларимиз маънавий қирғин майдониде от сурнишарди. Улар «даҳрийлар онахон» бошчилигида ислондан минг йил бурун қарор тоған ва Ер юзининг яримда инсоний бағрами сифатида нишонилан келинаётган Наврўзин «диний афсона»га чиқардилар! Мозорлар текисланди, масжидлар бузилди. Халқ иҳлос қўйган неки бор, бағрига ўт кетди. Тўй юракка сиймай қолди, таъзиядан кейин эса теров бошланди. Партия коммиссиялари ҳамма ишни қўйиб, даҳрийларнинг теғирмонига сув қўниб туришди. Аноним катлар «буюртма» қилинар, ўзлари ёзиб, ўзлари чора белгиларди. Ков-ков бошландилар. Меҳр-оқибат, умуминсоний қадриятлар топталгандан-тоғталарди. Мавжуд воқеалар, далиллар ўзларига маъқул тарзда таҳлил этилар, «нашиёт»лар қилинар эди. Мана улардан бири: «...Чалов номли авиакорхонада ўзбеклар бешдан бир процент, «Ташметро-строй»да — 10, Тошкент машинасозлик техникумида — 10, Чирчиқ индустриал техникумида — 16, Тошкент авиация техникумида — 17, Тошкент электр-механика техникумида — 19 процентни ташқил этгани ҳолда, Тошкент совет савдоси техникумида ўзбеклар 67 процентни ташқил этади...» «Умумийтифоқ меҳнат тақсимоти» ҳақида гап кетганда ҳозирча ҳа республикада бирёқламаликка йўл қўйиб келинади. Матбуотда Ўзбекистоннинг мамлакатга пахта, пилла, қоракўл тери, олтин етказиб бериши ҳақида оғиз кўпиртириб ёзамиз-у, лекин «қайтарма алоқа» — республиканинг Иттифоқдан олаётган машина ва ускуналари, бошқа махсулот ва буюмлари ҳақида лом-лим демаймиз! («Совет Ўзбекистони», 1988 йил 23 сентябрь).

Бундай таққосланга, «қайтарма алоқа» ҳусусидеги давтворага вақт ўз жабоини айтиб ўлтурди: Иттифоқ ҳазинасининг яримдан ортқи пахта ҳамда қўллаб олганини, пилла ва қоракўл терисини, газ ва уранини бериб келаятган жумхуриятимиз ҳар ким умумийтифоқ қозонига қўнган ҳиссасига яраша қошиқ ушлашини қўндалан қилиб қўйди. Бундай ҳисоб-китобга чорлаш кимга ёқмайди? Биринчи навбатда, қозон бошида катта чўмич кўтариб турган «марказ»га ҳуш келмаслиги турган гап! Баъзи ўртоқлар кимнинг қўқисини айтаётгани маълум. Жумхурият раҳбарияти бу қўшиқ юзидеги ниқобни аллақачон улўқтириб ташлади ва бу-энди ҳеч кимга сир эмас.

Бундай «нашиёт»ларни ҳазм қилиш учун миллат қарахт бўлиши шарт! Миллий гурур обдон тоғталиши керак! «Хўжайин»ни кўмса»даги муаллифлар уругсига эътибор қилин-а: Рашидов ҳамма соҳани «руслаштириш» учун зўр бериб уришган, ҳатто унинг қўрсатмаси билан «Ўзбекфильм»да ҳам сценарийлар рус тилида қабул қилинар экан... Ҳозирги ҳокимият эса турли миш-мишлар тарқатиб жумхуриятдан русларнинг қўллаб қўчиб кетишига сабабчи бўлаётган эмиш... Ажабо, эски «хўжайин» дарвозаларини кенг очгани учун, янғис дарвозани беришгани учун ёмон бўлса, унда ким икми? Қайси афсонанингиза ишонмоқ керак? «Руслаштириш» ҳақидаги даъвоини ҳам ҳолисликдан маҳрум. Конкрет тарихий шароит устидан сакраб ўтти ҳақиқатдан кўз юмишга олиб боради. Рашидов вафо-

баттол замоннинг қурбон-ку, ахир? Йўқ, кимларгадир бу кам қўринди. Ўзбеклар шанини ерга уриш учун Рашидов шанини ерга уриш керак бўлди!

«Ойнинг қоронғу тоғониде» кўп сериали «Фильм» аввалига марҳум Рашидов ватани — Ҳиззах виллоятини тоғташ учун керак бўлдуви, энди эса, иқтисодий мустақиллик шомлига буй қўзаятган жумхуриятни маънавий бункиш учун қўл келмоқда. Москвада ўтган икки стевд арафасида «Ўзбек мафияси» ҳақидаги уйдирма Иттифоқ телевиденсидан ҳафсада билан айланитиб турилди. Эрталаб ва кечқурун, сурунасига тўрт кун Ҳиззах-наркомания ўчоғи, контрабанда ватани, маҳдий қоньяк заводларининг маркази эмиш! Майли, «Фильм» савиясини кўтариш, бутун мамлакатдан ўзбеклар юртига бағри жонандек оқиб келаятган беғуноқ тоғбуларда шу тўқима «санъат»нинг ҳам қонли панжалари борлигини унинг ижодкорлари наҳотки рад эттишсе? Яна Москвами, дерсиз, йўқ, ҳамма балонинг ўқ илдизи — ўз заманимизда! «Фильм»даги «Ўзбек мафияси» ҳусусини яратганлар ҳам ўзимиздан. «Фильм»га маслаҳаттўй — раҳнамо ҳам ўзимизнинг ўзбек генералимиз!

Бу «Фильм»нинг «Ҳақиқатнинг аччиқ меваси» деб номланган икки сериали бадий нусхаси ҳам мавжуд. «Ўзбек мафияси» бир пайтинг ўзида ҳам мамлакат телекрани, ҳам кино экранларини забот этишининг боиси нимада? Рекунок, Гдиян ва Ивановлар, Бутурлин ва Гайдановлар, Дидоренко ва Лаптевлар қўли билан, Лигачев, Анничев, Могильниченко, Бессарабов, Смирнов, Пономарев, Огарков ва Сатинларнинг раҳномолтигида беғуноқ қўлларга урилган кишиларни «асослаш», қамқоқоналар ва авахталардаги ашадий жиноят изларини хас-қўшлаш учун керак бўлмаганми-ди? Наҳотки, мақола муаллифлари — бизнинг ҳўрматли олимларимиз бу киноларни кўришмаган, мағзини қақишмаган бўлса?

БИЗ жумхурият одимлари муаммолардан мулғало холи дея олмаимиз. Аксинча, қайта қуриш хавфи тарзда бир жойда депинчи, ошкоралик темир дарвозаларга урилиб пешонаси гурра бўлган нўқталарни кўрамиз ва мақола муаллифлари буларни илгамаслигидан ажабланамиз, холос.

Икки йил муқаддам Сирдарё ва Ҳиззах виллоятларининг қўлиб юборилиши ҳам одадгадек «қайта қуриш» ва «халқ ном» билан ишонилган эди. Уларни айтириб бечора халққа бир миллиард сўмга тўшди! Ваҳоланки, Сирдарё виллоятининг ягона ҳокими Александр Федорович Клепиков шундай қаромат қилувчи: «Сирдарё областининг потенциални жузда катта, Аммо турғунлик йилларидан тўланиб қолган муаммолар жузда кич. Областлар бирлаштирилгандан кейинги манзара эса тамомиле бошқа-ка: ишлаб чиқариш муносабатлари мустаҳкамланди, муаммоларни ҳал эттиш, юқори, пирова тўрда натижаларга еришиш бирмунча енгиллаштирилди. Чуқки, ҳамма нарсга ягона қўлга ўтди...» («Қишлоқ-ҳақиқати», 1989 йил 19 февраль).

Гулистонлик муаллим Абдуқодир Султонов ўқитувчиларнинг август кенгашида «Оқ пошпога мактуб»ни ўқиб, балага қолди. Виллоят рўзномасида муаллимга жаовоб хат йўллаган «ветеран ёшувчилар» бечора муаллимнинг нафақат ўзини, балки Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган марҳум отасининг тўғригача гишт қалаб чиқиди. Бу билан эса, асосий мақсад — «оқ пошпо»нинг қўқлигини овлаш

ва ҳонанд ривожланишини қандай тушунишимиз таърифлаб берилиши лозим.

Наҳотки, янгилаган жамаиета КПССнинг аҳамияти ва ўринга, мулғало янги сий сий ташқилот бўлиши партиянинг асосий вазифаларини тушунишга, унинг давлат билан, ижтимоий-сийсий ташқилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро алоқаси шақлларида, ички партиявий муносабатларини ривожлантиришга тааллуқли муаммолар маъмуни алоҳид раъратиб баён қилиш зарур.

Ҳўш, бўлажақ ишни ташқил этиш қандай фараз қилинмоқда? Вақтин беҳуда сарфлаш ярамаслиги равшан, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, Виринчи лойиҳани Марказий Комитет Пленумига тақдим этиш учун уч ойлик муддат белгиланган маъқул. Агар Марказий Комитет лойиҳа

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ



ИРОҚ ПРЕЗИДЕНТИ РАДИО ОРҚАЛИ ГАПИРДИ

ҚОҲИРА. 17 январь (ТАСС муҳбири Олег Зуенко). Ироқ президенти Саъддам Ҳўсейн Форс кўрғазига да уруш ҳаракатлари бошланганлиги муносабати билан радио орқали баёниот берди. Исроил радиосининг хабар қилишича, у Ироқ халқига «тақдирий газавоти» бошланганлигини ўқитди.

Фаластини, Жўпон тепаликларини ва Ливанни озод қилиш Ироқ қўроқли кўчиларининг муқаддас бурҷидир, деб таъкидлади президент. Ироққа жумук қилиб, жиноятга қўл урган Америка президенти Бушга Ироқ армияси «Юлтилка сабоқ» беради. Саъддам Ҳўсейн ўз нутқини «Оллоҳу акбар», «Ғалаба яқин» деган хитоблар билан тугалади. Исроил радиосининг таъкидлашича, Ироқ президентиинг нутқи, арфидан армияда фойдаланиладиган частота орқали эшиттирилди.

ҲАРАКАТЛАР БОШЛАНДИ

ВАШИНГТОН. АҚШ пайшанба кунин Бағдод вақти билан соат роса 03.00 да, 16 январда Вашингтон вақти билан соат 19.00 да Ироққа қарши жанговар ҳаракатларини бошлади. Президентининг матбуот котиби Марлин Фишотер матбуот учун қисқача баёнотда бундай деди: «Кўватини озод қилиш бошланди. Қўшма Штатлар Иттифоқдош шеркларнинг кўчларини билан баҳамжилик ҳаракат қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташқилоти, Хавфсизлик Кенгаши мандати бағирлишига эришиш мақсидида «Саҳрода довул» операцияси шертли ном берилган жанговар ҳаракатларни бошлаб юборди. «Саҳрода довул» операциясида катнашаётган кўчлар соат 19.00 дан бошлаб Ироқдаги ва Кувейтдаги нишонларга зарба урмоқда.

Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, Американинг Ф-15Е кўрувчи-бомбардирчи самолётлари Кувейтдаги ва Ироқдаги нишонларга ёприлиб бомба ва ракета зарбаси бермоқда.

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ АЙТТАНЛАРИ

БМТ. Форс кўрғазини районда АҚШ уруш ҳаракатларини бошлагани муносабати билан БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльяр чўқур тасефф билдириди. Менинг барча куч-гайратларимга, шунингдек қўлгина мамлакатларнинг саясий-ҳаракатларига қарамай, барибир уруш бошланди, деди у журналистларга. У шу пайтада амалга оширилайтган ҳарбий ҳаракатлар тўрисида етарли маълумотга ҳозирча эга эмаслигини таъкидлади.

БМТ Бош котиби юз берган вазиятни муҳокима қилиш учун шўшланиб равишда ўзининг энг яқин ёрдамчиларини тўплади. БМТ котибига тахабар қилишларича, Қўшма Штатлар Ироқ ва Кувейтга дастлабки зарба берилган ҳақида тез орада БМТ Хавфсизлиги Кенгашини хабардор қилиши кўтилмоқда.

Кубанинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Рикардо Аларкон БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизлиги сақлаб туриш учун масъул бўлган ушбу муҳим идорасининг бундан бунданги ҳаракатларини муҳокима қилиш учун Хавфсизлик Кенгашида қўндалан мамлакатларнинг вакиллари билан шўшланиб равишда маслаҳатлашчи оломқи эналганини айтди. Рикардо Аларкон АҚШ уруш ҳаракатларини бошлаши билан «Янги жаҳон тартиби» деб атаган тартиб ўлди, деди.

(ТАСС).

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдида



Зирча таржимонларимиз 2000 йилгача мўжизалардан иш режасини бажаришга киришди...

ЖАҲОН НАЗДИДА

Жумҳуриятимиз адибу шоирлари, кенг жамоатчилик катта тантана — Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига пухта тарафдан қўймоқда...

Жумҳурият ҳукумати Навоий таваллудининг 550 йиллигини нишонлаш юзасидан махсус қарор қабул қилган эди...

Марказ бу санага бағишлаб Иттифоқ миёсида ҳам нашрий ишларни амалга оширди...

Марказлар билан икждий алоқаларини хусусида билмовчи эдик...

Қайси жиҳатларни назарда тутаямиз? Адабий алоқаларини ён бағий таржималарини...

Мамлакатимизда шиддатли воқеалар юз бериб турган бир шароитда ҳамдустлик, адабий алоқалар ривожланиши...

Фаолияти учун эса 40 минг сўм (бундан 35 минг сўмдан кўпи маош учун) маблаг ажратилган...

Лекция эгулди, энгунят нисонинг имкон қилдиришга чорланди...

Сўхбатни «Совет Ўзбекистонининг махсус мухбири Саида ЙЎЛДОШЕВА олиб борди»

Эълон ва билдирувлар

Ўзбекистон ССЖ Юстиция вазирлигининг Х. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ СЎД-ЭКСПЕРТИЗА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ОЛИИ ИЛМГОҲИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

суд-автотехника экспертизаси: мудар, илмий ходим, кичик илмий ходим; материаллар, моддалар ва буюмларни криминиология тадқиқотлаш; катта илмий ходим...

суд-қурилиш-техника экспертизаси: илмий ходим (қурувчи-муҳандис); видео ва овоз ёзуш криминиология тадқиқотлаш...

Ўзбекистон ССЖ Социал таъминот вазирлиги ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАРИНИНГ МЕХНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ТИҚЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ОЛИИ ИЛМГОҲИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудар (тиббийет фанлари номзоди, илмий даражасиз) ва кичик илмий ходимлар (2); шифокорлик-мехнат экспертизасининг услубий асослари ва ногиронлик эпидемиологияси;

мудар (тиббийет фанлари номзоди илмий даражасиз) — ногиронлигининг олдини олиш, терапевт касалликлар ҳамда эшитиш ва нуқъ органлари касалликлариди шифокорлик-мехнат экспертизаси ва ногиронлар саломатлигини тиклашни;

Авалло, республика мида Бадий таржима ва адабий алоқалар марказининг ташкил этилиши жаҳонга кенг ёйиш бу дунё халқлари адабиётини аниқлаш таржима қилинган бадий асарларни китобхоналаримиз хушамизга ҳавола этиш...

Яхши, суҳбатимизни марказнинг олдида қўйилган мақсаддан бошлаб қояйлик. Ўзбек адабиётини жаҳонга кенг ёйиш бу дунё халқлари адабиётини аниқлаш таржима қилинган бадий асарларни китобхоналаримиз хушамизга ҳавола этиш...



Шахрисабз (Кеш) ноёб жемюррий обидаларига бой. Шаҳарга кирвершишига билан темирлар саройи — Оқсаройнинг муҳташам пештоқлари харобаларига қўйилган тушади...

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларига, Амур Темур 1376—1379 йиллардаёқ Шахрисабзда ободончилик ишларини бошлаган. Кеш Мовароуннахрининг тарихий шаҳарларидан бири бўлиб...

Кешнинг жануби-шарқий бурчагида, асосий майдонга яқин бўлган аёнлар маҳалласида 1380 йилда Темур саройи қурила бошланган. Бу муҳим воқеа жаҳонгир Темурнинг Хоразмга қилган ғолибона юриши билан боғлиқ...

ОҚСАРОЙДА ИШ ЧАЛА!

бошларида археологлар Оқсарой атрофини қазини пайтида пахта нақши туширилган зарҳал қўйинлар топишган...

ЮНЕСКО тасарруфига олинган улкан ёдгорлик — Оқсарой ажодларимиз яратган кўз қорачиги сингари нодир обида эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак...

«Метмор» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмасининг Шахрисабз ташкирлаш устанаси жамоаси кўли қалталлиги, иқтисодий намунавчиликдан фақат Оқсарой ёдгорлигини атрофида шунчаки биринчи ободончилик ишларини амалга оширди...

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ, Рўзнома таҳрир ҳайъати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУХСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ҚОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУҲАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

лос. Ҳавозалар учун махсус металл устулларни етказиб берилмаганлигидан бошланган хайрли ишлар таққа тўхтаб қолди.

Едгорлиқни эъозлаш билан боғлиқ энгунят нисонинг тартибга келтириши, ёдгорлиқни махсус йўл орқали Амур Темур туғилган Хўжайилор қишлоғи билан боғлаш лозим.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат. Ш. Эшонқулова ёш китобхоналар даврасида.

ПОСЕЛКАДА — НОН ЗАВОДИ

Бобвут ноҳиясининг маркази — Димтровск посёлкесидан нон заводи ишга туширилди.

Шахрисабз ёдгорлиқларини таъмирлашга ҳар йили 116-120 минг сўм миқдорда маблаг ажратилайти. Бюджетдан маблаг етарли эмас.

«Узасомолтор» системаси қарашли Гулистондаги муҳона ходимларининг ташвиши кўйилди.

«Узасомолтор» системаси қарашли Гулистондаги муҳона ходимларининг ташвиши кўйилди.

М. КАРОМОВ, «Совет Ўзбекистон» мухбири.

АХБОРОТ



Ўз савдо дўконлари очилмоқда.

ИМҚОН ТОПИЛДИ

Қоралпоғонистоннинг «Ленинград» давлат хўжалиги дўкониди мол гўшти бозор нарҳидан икки баравар арзон сотилмоқда.

ҚўРҒОНЛАРИНИНГ ЖАМОЛИ ОЧИЛМОҚДА

Сирдарё аймақидаги Ворошилов номи давлат хўжалигининг марказий қўғонда кабел телевидение-си линияси ўтказилди.

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИГА ҚАРАШЛИ ҚўРҒОНЛАР ҚИРҒАС ОДАМЛАР КЎЗ УНГАДА БУТУНЛАЙ ўзгармоқда.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Нишонли АВАЗОВ

Янгийўл районидида Ленин номи колхоз раиси Нишонли Авазов шу йил 16 январь куни узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг 67 ёшида вафот этди.

Н. Авазов меҳнат фаолиятини 1941 йилда Янгийўл районидида Нивзобчи қишлоқ Кенгаши котиблигидан бошлади.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Уз савдо дўконлари очилмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги М. Қорийқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

24, 25, 26, 27 январь соат 19.30 да Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади

ШЕРАЛИ ЖУРАЕВ КУЙЛАДИ

Чипталар саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

29, 30, 31 январь соат 19.00 да 1, 2, 3 февраль соат 16.00 ва 19.30 да ЯНГИ ПРОГРАММА

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг УСМИЛКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 27 ЯНВАРГАЧА

Ғ. ҒУЛОМ НОМИДАГИ СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ОЛИИ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мударлар: ҳозирги замон рус тили, ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубиети; доцентлар: чет тили (инглиз), ССЖИ тарихи, фалсафа, сиёсий тарих;

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ҚИЛҚАН КҮНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

ТОШКЕНТ ДОРИШНОСЛИК ОЛИИ БИЛИМГОҲИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудар: ботаника (фан доктори ёки номзоди); профессорлар: органик кимё, таёёр дори восталари (фан докторлари ёки номзодалари); катта ўқитувчилар: органик кимё (кимё фанлари номзоди);

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 27 ЯНВАРГАЧА